



| | |
|--|-----|
| Маттео Компарети | |
| ОТКРЫТИЯ НОВЫХ КИТАЙСКИХ АРХЕОЛОГИЧЕСКИХ НАХОДОК | 4 |
| Мадонна Кебадзе, Майя Бурдиашвили | |
| ГРУЗИНСКО-ПОЛЬСКИЕ ОТНОШЕНИЯ | 14 |
| Матвеева Любовь Дмитриевна, Ишбулатов Риф Фанилевич | |
| ИЗ ИСТОРИИ НЕФТЯНОГО ОБРАЗОВАНИЯ В РОССИИ | 23 |
| Исҳоқов Мирсадик Мирсултонович | |
| ЗАРАТХУШТРА (ЗАРДУШТ)НИНГ ШАҲСИ ҲАҚИДА | |
| БАЪЗИ МУЛОҲАЗАЛАР | 38 |
| СОВЕТ ҲОКИМИЯТИ ЎРНАТИЛГАНИДАН КЕЙИН ТУРКИСТОНДА | |
| Маҳкамова Надира Раҳмоновна | |
| ЖАМИЯТ ИЖТИМОЙ ТУЗИЛМАСИ ТРАНСФОРМАЦИЯСИ | 48 |
| Ўлжаева Шоҳистаҳон Мамажоновна, Раҳмонбердиева Нодира | |
| АМИР ТЕМУРНИНГ ҲАЛАБ ШАҲРИНИ ЗАБТ ЭТИШИ: САБАЛари ВА | |
| ОҚИБАТЛАРИ | 58 |
| Масалиева Олтиной Масалиевна | |
| БУХОРО ХОНЛИГИ ТАРИХИНИ ЁРИТИШДА СОВЕТ МАФКУРАСИНИНГ | |
| ТАҲСИРИ | 65 |
| Абриев Рўзикул Бўронович | |
| ЎЗБЕКИСТОНДА МАДАНИЙ МЕРОС ОБИДАЛАРИНИ МУХОФАЗА | |
| ҚИЛИШ МУАССАСАЛАРИ ТАШКИЛ ЭТИЛИШИ ТАРИХИДАН | 74 |
| Абдураҳмонова Ирода Холийгитовна | |
| АБУ МАНСУР МОГУРИДИЙ ЯШАГАН ДАВРДАГИ | |
| ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ ЖАРАЁНЛАР ВА ДИНИЙ ҚАРАШЛАР | 79 |
| Абдуразаков Фарход, Махмудов Бекзод | |
| ҲАРБИЙ РАЗВЕДКА – ҲАРБИЙ САНЪАТНИНГ АСПЕКТИ СИФАТИДА | |
| (Тарихий таҳлил) | 87 |
| Алимова Раҳима Рускуловна | |
| А.Ф.НЕГРИ ЭКСПЕДИЦИЯСИ БУХОРОДА | 93 |
| Азаматова Гулмира Байирбековна | |
| ХАЛҚАРО МИГРАЦИЯ ЖАРАЁНИДА ЖАҲОН ВА ЎЗБЕКИСТОН | |
| ИШТИРОКИНинг ўзига хос жиҳатлари | 103 |
| Алимухамедова Нодира Ядгаровна | |
| МИЛЛАТ ТУШУНЧАСИНИНГ ТАРИХИЙ ТАҲЛИЛИ | 113 |
| Аҳмедова Зебинисо Азизовна | |
| АҲМАД ДОНИШНИНГ ДИНИЙ-ФАЛСАФИЙ ҚАРАШЛАРИ | 124 |
| Феруз Бобоев | |
| ФАРФОНА ВОДИЙСИДА СОВЕТ ТУЗУМИГА ҚАРШИ КУРАШ | |
| (1925-1935 йиллар) | 130 |
| Ботирова Халима Эшмаматовна | |
| ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЖАНУБИЙ ҲУДУДЛАРИДА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ | |
| СОҲАСИДАГИ МУТАХАССИС КАДРЛАР МАСАЛАСИ | |
| (1990 – 2010 йиллар) | 137 |
| Гадоева Лобар Эргашевна | |
| ТАРИХИЙ МАНБАЛАРДА – СОҒЛОМ ТУРМУШ ТАРЗИНИНГ | |
| МИЛЛИЙ ТИББИЙ (ЭТНОТИББИЙ) МЕРОС БИЛАН БОҒЛИҚЛИГИ | 145 |
| Давурова Шоҳида Ҳайдаровна | |
| БУХОРО АМИРЛИГИ ВА ҚОЗОҚ ХОНЛИКЛАРИ ЎРТАСИДАГИ | |
| САВДО-СОТИҚ АЛОҚАЛАРИ | 153 |
| Doniyev Sardor Ixtiyor o'g'li | |
| XX ASRNING 80-YILLARIDA QASHQADARYO VILOYATIDAGI ИЖТИМОИY | |
| JARAYONLAR (ТАВИY GAZ SOHASI MISOLIDA) | 160 |
| Ергашев Сухроб | |
| АЖДОДЛАР МЕРОСИГА САДОҚАТ | 164 |
| Ёдгоров Зоиржон Шакарбоевич | |
| МУСТАҚИЛ ЎЗБЕКИСТОНДА УЧ БОСҚИЧЛИ ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА | |
| СПОРТ ТИЗИМИНИНГ ВУЖУДГА КЕЛИШИ ТАРИХИ | 170 |
| Жўраев Хусан Алишерович | |

МИЛЛАТ ТУШУНЧАСИНИНГ ТАРИХИЙ ТАҲЛИЛИ

Алимухамедова Нодира Ядгаровна,

**Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш
муҳандислари институти катта ўқитувчisi**

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада “этнос”, “миллат”, “халқ” тушунчаларининг тарихий, умумиллмий ва фалсафий талқинлари, ижтимоий-сиёсий, фалсафий концепциялар ривожи, этномаданий плюрализмнинг ижтимоий-сиёсий мазмуни ҳамда уларни туркумлаштириш тамойиллари ижтимоий-фалсафий нуқтаи назардан тадқиқ этилган.

Калит сўзлар: этнос, миллат, халқ, жамият, давлат, ижтимоий гуманитар фанлар, миллий идентификация жараёни, этномиллий концепциялар, примордиализм, тарихий-этнография.

ИСТОРИЧЕСКИЙ АНАЛИЗ ПОНЯТИЕ НАЦИЙ

Алимухамедова Нодира Ядгаровна,

**старший преподаватель Ташкентского института инженеров
ирригации и механизации сельского хозяйства**

АННОТАЦИЯ

В данной статье анализируются исторические и философские трактовки понятий «этнос», «народ», «национальность», развитие общественно-политических, философских концепций, социально-политическая сущность этнополитического плюрализма и принципы их классификации с точки зрения социальной философии.

Ключевые слова: этнос, национальность, общество, государство, социально-гуманитарные науки, процесс национальной идентификации, этнические концепции, примордиализм, историческая этнография.

HISTORICAL ANALYSIS CONCEPT OF NATIONS

Alimukhamedova Nodira,

**Head Teacher of the Tashkent Institute of
Irrigation and Agricultural Mechanization Engineers**

ANNOTATION

This article analyzes the historical and philosophical interpretations of the concept “ethnos”, “people”, “nation”, the development of sociopolitical and philosophical concepts, the sociopolitical essence of ethno-political pluralism and the principles of their classification from the point of view of social philosophy.

Key words: ethnos, nationality, society, state, social and humanitarian sciences, process of national identification, ethnic concepts, primordialism, historical ethnography.

Мустақил давлатлар ижтимоий гуманитар фанларида бугун “миллат” тушунчаси таъриф-таснифига катта эътибор берилишининг сабаби бор: ушбу ҳолат кейинги ўттиз йиллик вақт ичида собиқ совет иттифоқи худудида рўй берган ижтимоий-иктисодий ва сиёсий вазият, мустақилликка эга бўлган собиқ совет иттифоқи давлатларининг миллий идентификация жараёни билан белгиланган.

Дунё олимлари томонидан ҳозирги давргача этнос ва миллат тушунчаларининг методологик асосларига оид кўплаб назариялар ва концепциялар яратилган бўлса-да, уларни этник феноменни англаш нуқтаи назардан уч гурухга – примордиалистик, инструменталистик ва конструктив назариялар асосида умумийлаштириш мумкин.

Бунда биз примордиалистик концепцияни доминант сифатида олиб ўрганишимиз мақсадга мувофиқдир. Чунки бу концепция этнос ва миллат тушунчаларининг субстанционал ва эссенциалистик ёки тарихий илдизларини таҳлил қилишида устувор аҳамият касб этади. Этномиллий концепциялар орасидаги примордиализм (инглиз тилидаги “primordial – “бошланғич”, “дастлабки”, “азалий” деган сўздан олинган) парадигмада этнос ва миллат идентификацияси табиатда ёки жамиятда объектив асосга эга бўлган аниқ феноменлар таҳлилига алоҳида эътибор каратилади. Примордиализм оқими икки йўналишга бўлинади: тарихий-эволюцион ва социобиологик йўналиш. Бунда этнос (юонон. ethos – гурух, қабила, халқ) ижтимоий-тарихий ва маданий жараёнлар натижасида шаклланган ижтимоий гуруҳининг ўзига хос тури ёки уруғ, қабила, элат ва миллат шаклларида намоён бўлувчи феномен сифатида талқин қилинади. Мазкур тушунчани илмий муомалага 1921-1923 йилларда С.М.Широкогоров киритган. У этносни инсоният локал гуруҳи мавжудлигининг асосий шакли деб ҳисоблаган. Унинг асосий белгилари - “келиб чиқиш, урфодатлар, тил ва турмуш тарзи бирлиги” [1] деб талқин қилган.

Миллат кишиларнинг жипс тарихий бирлиги, умумиктисодий турмуш, тил, худуд бирлиги, маданият, онг, рухият уйғунлиги ва муштаралиги демакдир [2]. Миллат шаклланишидан аввал ижтимоий тараққиётнинг этнос (халқ) шакли маҷуд бўлиб, халқларнинг келиб чиқиш тарихини ўрганишда этник бирлик атамаси ҳам ишлатилган.

Миллат шаклланишининг ижтимоий-фалсафий моҳиятини англаш, тадқиқ қилиш учун уларнинг субстанционал асоси бўлган “этнос” ва “миллат” тушунчаларини, уларнинг генезисини ўрганиш лозим. “Этнос” тушунчаси юонон тилидан олинган бўлиб, унинг этимологик маъноси халқ, қабила, тўда, кишилар гуруҳи деган маъноларни англатади. Сиёсатшунослик фанлари доктори Н.Маманазаров ёзганидек, бу термин (яъни “демос”) кишилар гуруҳининг муайян ижтимоий-сиёсий жараёнларда актив қатнашуви қисмини англатса, “этнос” термини муайян жой, яъни худудда яшовчи халқнинг локал гуруҳини

англатади. Ҳозирги пайтда “этнос” термини фақатгина илмий доира ва илмий адабиётлардагина қўлланса, “халқ” термини эса, кундалик ҳаётнинг барча ижтимоий-сиёсий, маданий, иқтисодий ва маънавий жабҳаларида актив қўлланилади. Шу жиҳатдан ҳам “этнос” ва “халқ” тушунчалари маълум маънода бир-бирига яқин бўлса-да, аммо мазмун ва моҳият жиҳатидан бир-биридан фарқ қиласи [3].

Умуман илмий адабиётларда “этнос” тушунчаси ва ҳодисасига ўттизга яқин таърифлар учраса-да, уларда маълум бир яқинлик, муштараклик мавжуд. Яъни, “этнос – бу бир тилда сўзлашувчи, ўзларининг бир хил келиб чиқиши ва муштарак шаклланиш жараёнини тан оловчи, бошқа халқлардан фарқ этувчи қатор урфодат ва анъаналарга эга бўлган кишилар гуруҳидир” [4]. Бизнинг назаримизда этнос деганда инсонларнинг маълум ҳудудда узоқ муддат биргаликда истиқомат қилиши, умумий тил, маданият ва ўзини ўзи англаш орқали бирлашган кишилар гуруҳи тушунилади. Шунингдек, этнос деганда қабилавий қариндошлиқ, ягона майорий маданият (мулоқот тили, эътиқод объекти, кундалик юриш-туриш меъёрлари ҳам шунга киради), умумий истиқомат маконининг (ландшафтни қамраб оловчи) мавжудлиги ёхуд мавжуд бўлганлиги ҳамда бошқа этносларга нисбатан ўзининг ягоналигини англаш ва қайд қилинган номга эгалик (этноним) асосида шаклланган ижтимоий бирлик ҳам назарда тутилади. Айрим этносларни бир-биридан фарқловчи муҳим белгиси уларнинг ўзига хос маданий хусусиятлари орқали намоён бўлади. Бу хусусиятлар ҳар бир халқнинг тарихий-маданий ривожланиши жараёнида шаклланади ва авлоддан авлодга мерос бўлиб ўтади. Фанда бу жараён “этник анъаналар” ёхуд “этник ворислик” деб аталади. Бундай анъаналар ҳар бир халқнинг ижтимоий-иктисодий турмуши ҳамда у яшаётган табиий географик муҳит билан боғлиқ ҳолда шаклланади. Фақат алоҳида халқлар эмас, балки уларнинг шаклланиш жараёнида иштирок этган қариндош гуруҳлар ҳам этнос деб ҳам аталади. Бизнингча этнос бу бир тилда гапиравчилар, келиб чиқишига кўра бир хил бўлган, ўзига хос урф-одатлар комплекси, ҳаёт тарзига эга бўлган одамлар уюшмасидир.

Миллат шаклланиши муаммосига турли оқим вакиллари турлича ёндашадилар. Социобиологик йўналиш вакилларининг таълимотлари ўзига хослиги билан ажralиб туради. Ушбу оқим вакили бўлмиш С.М.Широкогоров фикрича, этник тасниф учун аниқ мезонлар йўқ. Шунга қарамай у этносларни биологик хусусиятидан келиб чиқсан ҳолда, уларнинг моҳиятини белгиловчи бир неча мезонни ишлаб чиқди. С.М. Широкогоров «этносдаги элементларни яратилиши, ривожи ва интиҳоси жараёнлари инсониятга тур сифатида мавжуд бўлиш имкониятини беради» [5], деб таъкидлайди.

Примордиализмнинг социобиологик йўналиши вакили америкалик социолог ва социал антрополог, Вашингтон университетининг профессори Ван Ден Берге **ПьерЛуи** миллатнинг биоэнергетик табиати ҳақида таълимот яратган. Унинг фикрича этносларнинг мавжудлиги инсонларнинг биологик моҳиятидан келиб чиқсан заруриятдир [6]. Инсонлар хулқ-авторини этология ва зоопсихологиянинг айрим қоидалари асосида тушунтирас экан, ижтимоий ҳаётдаги барча муҳим

ходисалар – ижтимоий тенгсизликлар, синфий кураш, харбий тўқнашувларнинг сабаби инсон табиатининг биологик хусусиятларига боғлиқ,[7] деб таъкидлайди. Олим фикрича оила, сиёsat, давлат каби турли ижтимоий институтлар гоминидларнинг биологик эволюциясининг натижасидир. Ижтимоий ҳодисаларни ўрганишда социо-биологик ёндашув ижтимоий оламни “ноафсоналаштириш” имконини яратади, жамият ҳаётининг хақиқий манбаларини топиб, тушунтиришга ёрдам беради, деб таъкидлайди **ВанденБерге**. Аслида унинг таълимотида табиий омилларнинг аҳамиятиошириб қўрсатилади ва аксинча ижтимоий омилларга деярли аҳамияти йўқ, деб қаралади. Олимга инсоният тарихига фаталистик назар билан қарашибосдир: унинг фикрича, оламни яхшилик томон ўзгартириш сари қилинган ҳар қандай уринишлар муваффақиятсизликка дучор бўлади, чунки мавжуд ижтимоий тартиб биологик қонуниятлар асосида олдиндан белгиланган, бу инсониятнинг қисматидир.

Рус олими Л.Н. Гумилев ҳам биологик примордиализмнинг варианти сифатида «этник майдон» гипотезасини (пассионар назария) илгари сурди. Л.Н. Гумилев фикрича «Этнос – кишиларнинг табииий равишда шаклланган уюшмаси бўлиб, аъзолари ўзига хос хулқ-атвор стериотипларига эга. Улар ўзини аналогик уюшмаларга қарама-қарши қўядилар, бу қарама-каршилик эса умумий комплиментарлик – этногурухлардаги ўзаро хурмат-эътибор ҳисси билан белгиланади» [8]. Комплиментарлик асосида эса «этник майдон» ётади. Л.Н. Гумелёвнинг таъкидлашича этнослар яхлит система сифатида мавжуд бўлиб, этник тизим – суперэтнослар таркибига киради, ўз ўрнида этноснинг элементлари – субэтнослар, конвикциялар, консорцлардан иборатdir.

Унинг таълимотича этносларнинг табиий-биологик хусусияти улар биоорганик оламнинг асосий таркибий қисми, маълум бир географик ва иқлим шароитлари ҳосиласи эканлиги билан белгиланади. *Л.Н. Гумилев бу тезисни асосий постулат сифатида ўзининг биологик концепциясининг асосига қўяди*.

Этнос – биринчи навбатда биосферанинг феномени. «Биз, – деб ёзди у, – қай даражада ижтимоий тараққиёт соҳиби бўлсак, шу даражада ер биосферасининг натижасимиз» [9]. Маданиятниг вужудга келиши, ривожи ва аҳамияти иккинчи даражалидир. Муаллифнинг фикрича этник бирликларнинг пайдо бўлиши, ривожи ва тараққиётининг асосий сабабчилари этнос таркибидаги *«пассионарлар», яъни сергайрат, қобилиятли, истеъдотли ва ўз халқи учун жонини фидо қилувчи инсонлардир*. Этнослар инқизозининг сабабчилари эса *«субпассионарлар»*, яъни масъулият ва жавобгарлик ҳисси бегона бўлган бекорчилар, ялқовлар, қашшоқлар, ялангоёқлар, дайдилар, жиноятчилар ва бефарқ одамлар. 1200–1500 йил давомида пассионарлар сонини камайиши, ва аксинча *субпассионарлар* сонини ортиб бориши этносларни ҳалокатга олиб келади.

Л.Н. Гумилев «Этносфера. Инсонлар тарихи ва табиат тарихи» номли китобида этносларнинг шаклланиш жараёнларига тўхталиб ўтади. Ер биосфераси – планетамизнинг қобикларидан биридир. Одамлар биосфера таркиби – антропосферага кирсаларда, уларни бир бутун яхлитлик сифатида қабул қила олмаймиз. Антропосферахалқ, ёки миллат, ёки этнос деб номланувчи турли-туман

бирликлардан иборат. Л.Н.Гумилев этнос хусусиятларини таъриф-таснифини олти пунктга бўлган, уларни қуида келтирамиз:

1. Этнос – тарихий даврда тарақкий этувчи тизим, ўз ибтидоси ва интиҳосига эга; яъни этногенез – дисcret (узликли) жараёндир.

2. Этносларни бир-биридан фарқловчи умумий мезон – хулқ-автор *стереотипи* – ўзига хос хулқ, феъл-автор бўлиб, у наслдан наслга генетик йўл билан эмас, балки шартли рефлекслар асосида шаклланган наслдан наслга ўтувчи сигналлар механизми ёрдамида ўтади.

3. Этносдаги тизимли алоқалар «ўзимники» ва «бегона»(«биз» ва «улар»)ларни ҳис этиш, ажратиш асосида амалга ошади. Алоқалар руҳий-эмоционал асосда амалга оширилар экан, этнос ижтимоий бирлик бўла олмайди, у табиий равишда вужудга келган, табиатнинг бир бўллаги, табиий бирлик сифатида қабул қилиниши ва табиий фанлар услубларидан фойдаланиб тадқиқ этилиши даркор [10].

Бугунги кунда социал антропологияда этник мансубликнинг биологик асосини (“ген”), асл этник фундаментни топишга уринишлар давом этмоқда. Миллий мансубликнинг генини топишга уринишлар натижасиз бўлганлиги, миллатнинг ижтимоий моҳияти бирламчи эканлигини яна бир бор исботлайди. Л.Н.Гумилевнинг фикрича:

4. *Этносдаги тизимли алоқалар ҳамда ундаги бирликни биосферанинг тирик моддалар геобиохимик энергияси сақлаб туради.*

Муаллиф таъкидлашича геобиохимик энергияни биосферанинг этник сатҳида(ёки даражасида)ги таъсири пассионарлик ҳодисаси орқали намоён бўлади. Пассионарлик – ўзига хос хулқ-автор белгисидир. Бушундай хулқ-авторки, белгиланган мақсад сари енгиб бўлмас, кучли интилиши ёрдамида ҳаракатланиши ва мақсадига эришиши учун нафақат ўз ҳаёти, балки келгуси наслининг ҳаётини ҳам аямасликдир. Пассионарлик психологик тарафдан ўз жонини сақлаш инстинктига қарама-қарши бўлган онг остининг импульсидир, деб таъкидлайди муаллиф.

5. Пассионарлик импульси билан ўз-ўзини сақлаш инстинкти орасидаги нисбатдан келиб чиқсан холда Л.Н.Гумилев ўзига хос характерли хулқ-автор эгаларини уч турга бўлади: (а) пассионарлар; (б) муттаносиб кишилар; (в) субпассионарлар.

6. Статистикага кўра этносда “уйғун, муттаносиб” кишиларнинг сони пассионарлар ва субпассионарларга қараганда анча ортиқ. Лекин улар орасидаги микдор ўзгаришлари этноснинг ёпиқ тизим сифатидаги геобиохимик холатини белгилайди ва келгусида улар сифат ўзгаришларига олиб келади. Пассионарликнинг кескинлашуви ва ўзгаришларнинг йўналиши этногенезнинг маълум бир даврини ёки этноснинг ёшини белгилайди. Муаллиф фикрича, бундай ўзгаришлар пассионар зарбалар натижасида вужудга келади ва пассионар популяцияларни дунёга келтиради. Вужудга келган пассионар популяцияларда шиддатли этногенез жараёнлари 130 – 160 йилдан кейин бир неча янги этник тизимлар гуруҳини дунёга келтиради. Пассионар зарба вақтидан бошлаб 1500 йил ўтгач популяциядан пассионарлик белгилари бартараф этилиб, этногенез жараёни тугалланади: ё

этнос тизим сифатида барбод бўлади, ёки ландшафт биоценози билан барқарор мувозанатда, гомеостаза холатида чексиз узок даврлар мавжуд бўлади [11].

Л.Н.Гумилевнинг таълимоти жуда заиф бўлсада, пассионарларнинг ўз халқининг тақдирида тутган ўрни хақидаги фикрлари асосга эга. Ҳар бир халқнинг тарихига назар ташласак, пассионарлар – халқ қаҳрамонлари ўз юрти, халқининг озодлиги, тараққиёти йўлида жонларини фидо қилганлар. Масалан, Широқ, Тўмарис, Спитамен, Амир Темур, маърифатчи-жадидлар шулар жумласидандир.

Ўз даврида Л.Н.Гумилев таълимоти жуда қаттиқ танқидга учраган. Шундан сўнг олим этнененез жараёнларининг давомийлигига ўзгартиришлар киритган бўлсада, этнос табиати хақидаги фикрида қатъий туради. Этнос аъзоларининг «ўзимники» ва «бегоналар», «биз» ва «улар»ни қарама-қарши қўйиши этник мансубликни белгиловчи индикатор ҳисобланади: этнос ижтимоий ҳодиса эмас ва унинг худуд, тил каби белгилари йўқ, деб таъкидлайди олим [12]. Унинг фикрича ўзликни англаш ва руҳият ҳам этник бирлик элементларини боғловчи восита, комплементарликнинг асоси бўла олмайди. Л.Н.Гумилевнинг бу фикрларига эътиroz билдирган холда Биринчи президентимиз И.А. Каримовнинг қуйидаги фикрларини келтирамиз: “Маълумки, ўзликни англаш, миллий онг ва тафаккурнинг ифодаси, авлодлар ўртасидаги руҳий-маънавий боғлиқлик тил орқали намоён бўлади. Жамики эзгу фазилатлар инсон қалбига, аввало, она алласи, она тилининг бетакрор жозибаси билан сингади. Она тили бу миллатнинг руҳидир”[13].

Кўп холларда, олим, этнос тушунчасини давлат, ҳатто империя тушунчалари билан алмаштиради. Масалан, Рим империясининг қулаши билан қадимги рим этноси ҳам йўқолди, деб таъкидлайди олим. Аслида Рим империясининг ибтидосида рим халқи этник параметрларига кўра қадимги рим этносидан жиддий фарқ қилган, демак империянинг инқирози даврида қадимги рим этноси асосида рим халқи шаклланган. Рим халқи империя қулагандан сўнг ҳам «варварлар» билан ёнма-ён яшаган [14].

Л.Н.Гумилевнинг бу таълимоти совет этнографлари томонидан қаттиқ танқидга учраган. Кўпгина олимлар унинг пасионар назариясини умуман тан олмадилар, этносларнинг ижтимоий табиатини инкор этилишини қабул қилмадилар. Масалан, Ю.В. Бромлей фикрича, унинг аргументлари субъектив ва ишонсиздир. “Этноснинг асоси популяция эмас, балки ижтимоий омиллардир. Ижтимоий омилларгина этносларни вужудга келтиради, унга боғланган холда эса популяциялар пайдо бўлади” [15], деб ёзади олим.

Олимнинг таълимотини энг заиф томонларидан яна бири, фақат турли-туман ландшафтлар аралашган ҳудулардагина этносларнинг вужудга келиши мумкин, деб таъкидлашидир. У ўзининг «этник» харитасига Прибалтика, Кавказ, Ўрта Осиё ва Ҳиндистоннинг катта қисмини киритмаган [16]. Бу фикрни раддияси сифатида тарихий-этнографик ва археологик тадқиқотларнинг натижаларини келтириб утиш жоиздир. Ушбу маълумотлар кўрсагадики, милоддан олдинги V-III минг йилликларда Европоид ирқининг икки илк тури: шимолий илк Европоид (протоевропалик) ва жанубий Европоид (прото ўрта ер денгизлиқ) турлари мавжуд бўлган. Масалан, ўлкамизнинг жанубида прото ўрта ер денгизлиқ ирқ

тури дехқончилик (термачиликнинг навбатдаги босқичи) билан шуғулланган. Археологик топилмалар, яъни аҳолининг бош суюклари Долихокран антропологик типга мансуб бўлиб, улар келгинди қўчманчи қабилалар билан аралашиб кетган [17]. Профессор С.Н.Турсуновнинг қайд этишича, милоддан олдинги II минг йилликда Ўрта Осиёда арий тилли (хиндорий) қабилалари яшаган ва уларга бақтрлар, тоҳарлар ҳам кирган. Мазкур жараён натижасида нафақат илк ибтидоий ижтимоий-сиёсий институтлар - қабила, уруғ, жамоа, балки “суғорма дехқончилик”нинг ривожланиши билан Ўрта Осиё ҳудудларида Бақтрия, Марғиёна, Сўғдиёна, Хоразм каби илк давлат уюшмалари шаклланади. Бу ҳудудларнинг аҳолиси турли манбаларда саклар, массагетлар, сўғдийлар, сакарауқлар, апаспаклар, ассийлар каби номлар билан эслатилиб, улар ўртасида ўзаро этномаданий алоқалар мавжуд эди” [18].

Тарихий-этнографик ва археологик манбаларга таяниб хулоса қилиш мумкинки, минтақамизда яшаган туб аҳоли, қабилалар - сак, массагет, сакарауқ, апасандлар келгинди юэчжилар (тоҳарлар) Қанғ, Қорлук, Эфталит, Хионийлар билан аралашиб истиқомат қилганлар. Жанубий Сурхон ҳудудида милодий I-IV асрлар ҳукмронлик қилган Кушон ва VI-VII асрлардаги эфталитлар даврида ҳалқларнинг буюк кўчиши кучайиб, уларнинг бўлиниб кетиши, бирлашиши, яқинлашиши (интеграция), бирикиши (консолидация), аралashiб-қоришиб кетиши (ассимиляция) кучайди. Жанубий Сурхон ҳудудида VIII аср бошларида араблар, қорлуқийлар, XI-XV асрларда барлос, тархон, талоир, тулхичи, мунғул, қипчоқ, кўнғирот уруғларини келиб жойлашиши маҳаллий аҳоли билан аралашиб ўтрок ҳолга келиши кучаяди [19]. Демак, этноснинг шаклланиши ижтимоий, сиёсий, жуғрофий, демографик, юриш ва силжиш, хатто ассимиляциялашув жараёнлари билан боғлиқдир. Шу нуқтаи назардан қараганда “Этнос - кишилар социал гуруҳларининг тарихан вужудга келган, жамоа бўлиб яшашининг алоҳида шаклидир. Бундай жамоа табиий-тарихий йўл билан пайдо бўлади ва ривожланиди, улар жамоа гуруҳига кирадиган кишиларнинг хоҳиш иродасига алоқадор бўлмасдан, ўз-ўзини қайта тарбиялаш ҳисобига қўп асрлар яшайди”[20].

Ижтимоий муносабатлар кишини муайян гурухга тааллукли қилиб қўяди. Барча кишилар жинсий, касбий, ёш, синфий, этник ва ҳоказо гурухларга мансублик хусусиятига эгадир. Ушбу хусусият туфайли киши ўзини бошқа бир кишига ёки гурухга қиёслай олади. Этник ўзлигини англаши туфайли эса киши ўзининг муайян этносга мансублигини, ушбу этноснинг тили, маданияти, менталитети ўзига тааллукли эканини тан олади [21]. Сиёсатшунослик фанлари доктори В.Қўчқоровнинг ёзишича: “Миллий ўзликни англашни учта компонентдан иборат деб қараш лозим. Биринчиси, ўз-ўзини билиш, иккинчиси, ўз-ўзини қадрлаш, баҳолаш ва эмоционал холатини англаб етиш, учинчиси, миллий ўз-ўзини бошқаришидир” [22]. Шунинг учун у этник ўз-ўзини англашни этномаданий ва этнолингвистик белгилар билан чегараланиб қолмай, уни этносиёсий хаёт субъекти, сиёсий ижтимоий жараёнларга таъсир этувчи куч сифатида талқин этади. Этносиёсий ёндашиш нуқтаи назаридан бу тўғридир. “Миллий ўзликни англаш,- деб ёзади В.Қўчқоров,- миллатнинг ижтимоий-сиёсий жараёнларга,

жамият ва давлатни бошқаришга қаратилган ислоҳотларга, тараққиёт моделларига, жамиятнинг келажагига оид этносиёсий муносабатлар ҳамдир. Бу муносабатлар миллатнинг, фуқаролар ўз сиёсий-хуқуқий имкониятларини рўёбга чиқаришида, яъни ижтимоий-сиёсий ҳаётда ўз манфаатларини ҳимоя этувчи субъектлар сифатида қатнашишида намоён бўлади” [23].

В.Қўчқоров этник ўз-ўзини англашда ижтимоий-сиёсий институтлар, энг аввало давлатнинг роли катта эканлигини таъкидлайди. Этнос билан давлат уйғун шаклланган ва ривожланган бўлса-да, ижтимоий-сиёсий воқеликнинг ҳал қилувчи воситага айланиши, турли гурухлараро алоқаларни, ижтимоий муносабатларни, жамият ҳаётини бошқаришни ўз устига олиши туфайли давлат этноснинг ижтимоий онгига, маданий ривожига, ўз-ўзини англашга таъсир этувчи институтга айланди. Шунинг учун давлат билан боғлиқ ижтимоий сиёсий белгилар миллатнинг шаклланишида ҳал қилувчи роль ўйнаб келади. Айнан шулар қолган барча белгиларни ўз атрофида бирлаштиради, уларнинг яқинлаштирувчи, ҳамкорлик қилинишини умумий интилишини тезлаштиради ва таъминлайди... “Давлат этногенез ва миллий ўзликни англаш учун қандайдир ёт ташқи элемент эмас, балки улардаги энг муҳим, энг ижобий хислатларни ўзига жо этган ҳамда уларнинг ўзига хизмат қиласидан ижтимоий-сиёсий институтдир” [24].

Этнос ва миллат феноменларининг шаклланиши, кенг ижтимоий воқеликка айланиши тил, ёзув, урф-одат, маданият, ҳудуд, ҳатто рух билан боғлиқ жараёнларни, уларни хисобга олмаслик содда, примитив, демак, тор ёндашувни келтириб чикаради. Этноснинг шаклланишида тил, ёзув, мулоқот, урф-одат ва анъаналар, маданият, ҳудуд муҳим аҳамиятга эга экани барча илмий адабиётларда қайд этилади. Бироқ уларда этноснинг ижтимоий-тариҳий бирлик сифатида шаклланишида муҳим рол ўйнаган “халқ руҳи”, “халқ қалби” тилга олинмайди. Қалб, рух нафакат индивидуал, шунингдек, гурухларга ва этносларга ҳам хос ҳодисадир [25].

Қайсибирижтимоий-тариҳийbosқичларниолмайлик, маълум биргурухларнинг миллий манфаатларни ҳимоя қилиб чиққанига дуч келамиз. Гоҳо ушбу чиқишлиар ўша гурух вакилларининг шахсий, ҳатто этноцентрик интилишлари, манфаатлари бўлиб кўриниши мумкин. Тариҳий шахсларнинг этнос ва ижтимоий, сиёсий, маданий ҳаётдаги ўрни уларнинг ўша чиқишлиари, интилишлари орқали баҳоланади. Масалан, Амир Темурнинг тарихдаги роли шўролар салтанати ва коммунистик мафкура ҳукмронлиги даврида унинг объектив чиқишлиари, сиёсий интилишлари нуқтаи назаридан эмас, балки коммунистик норма, синфиийлик позициядан туриб баҳоланган.

Тарихни, айниқса буюк тарихий шахслар ҳаётини тайёр назарий, мафкуравий догма, қолиплар нуқтаи назаридан баҳолаш мудом уларнинг ижтимоий-тариҳий тараққиётдаги ўрнини нообъектив баҳолашга олиб келган. Буюк шахслар асосан зиддиятли ҳусусиятларга эга, бир қолипга сигмайдиган, тайёр догма билан ўлчаш қийин ҳатти-ҳаракатлар содир этишган. Ушбу зиддиятли томонларни аниқлаб, уларнинг негизини объектив очиб бериш учун интеллектуал салоҳият

ва илмий-маънавий жасорат ҳам талаб этилади. Айтмоқчи бўлган фикримиз шундаки, этнос манфаатлари ва қизиқишилари мавхум нарса эмас, у халқнинг иродаси, орзу-истаклари, санъати, дунёқараши ҳамда ушбу ижтимоий-маданий парадигмани ўзининг ижоди, ҳаёти ва экзистенциал борлиғига сингдирган, ҳаёти мазмунига айлантирган буюк шахсларда ўз ифодасини топади. Дарҳақиқат, машҳур рус файласуфи Ф.М.Достоевский ўзининг “Ака-ука Карамазовлар” номли асарида тушунтирганидай, “Инсон борлигининг сири унинг фақат яшай олиш имкониятларида эмас, балки унинг нима учун яшаши кераклигидадир...”, “Агар инсон нима учун яшаши кераклигини билмаса, у ўзини ҳалок қилиши турган гап”, “шунингдек, нима учун яшаш кераклиги идеали албатта ялпи умумий (умумбашарий ҳақиқат) бўлиши керак, бу эса этносдан юқори турувчи идеал демакдир...” [26].

Миллатнинг ўзига хослиги унинг ички маънавий-руҳий оламини ташкил этувчи миллий эркинлик, ор-номус, қадр-қиммат, иззат-нафс, ғуур каби туйгуларда намоён бўлади. Агар уларга ташқаридан ёки бошқа миллатлар томонидан салбий таъсирлар қўрсатилса, миллатлараро, ҳатто, давлатлараро муносабатларда зиддиятли ҳолатлар пайдо бўлади ва улар оғир мусибатларга олиб келиши мумкин.

Этнос, халқ ижтимоий борликқа муносабатларини хуқуqlари орқали ифода этади. Демократик давлатларда айнан Конституция (Асосий Конун) ва унга таяниб ишлаб чиқиладиган ва қабул қилинадиган қонунлар этноснинг ижтимоий борлиқдаги ўрнини, ҳуқуқ ва бурчларини белгилаб беради. Масалан, Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига мувофиқ “Халқ давлат ҳокимиятининг бирдан-бир манбаидир” (7-модда); “Давлат халқ иродасини ифода этиб, унинг манфаатларига хизмат қиласди”; “Давлат органлари ва мансабдор шахслар жамият ва фуқаролар олдида маъсулдирлар” (2-модда). “Жамият ва давлат сиёсатининг энг муҳим масалалари халқ муҳокамасига тақдим этилади, умумий овозга (референдумга) қўйилади” (9-модда). “Ўзбекистон Республикасида ижтимоий ҳаёт сиёсий институтлар, мағкуралар ва фикрларнинг хилма-хиллиги асосида ривожланади” (12-модда) [27]. Мазкур моддаларда Ўзбекистон халқи ва фуқароларнинг ижтимоий, сиёсий, иқтисодий, маданий хуқуqlари, ушбу муносабатларнинг асосий принциплари белгилаб берилган. Мазкур хуқуqlар этноснинг, миллатнинг узоқ ижтимоий-маданий ривожланиш жараёнида эришган ютуқлари квинтэссенциясидир.

Хуллас, биринчидан, халқни, миллатни ўз-ўзини англаш даражаси қачонки унда ўзи яшаётган худудини бошқалардан ҳимоя қила олса, ўз тамғаси ва байроғига эга бўлса, маълум бир урф-одатларга асосланиб маданий ҳаёт кечира бошласа, фаровонликни ўйлаб маҳсулот ишлаб чиқарса ва айирбошласа, илм эгаллашга, дунёни ўрганиш ва англашга эътибор қаратса бошласа, кўпчиликни ўз изидан олиб бора оладиган йўлбошчига эга бўлсагина ҳақиқий миллат шаклланганлигини ҳисобга олиш мумкин. Шунингдек, миллат ўзида уруғчиликнинг энг ижобий томонларини, яъни қурашувчанлик, ақллилик, иқтидорлилик, сезгирлик, фахм-фаросатлилик, билимлилик, одоблилик, гўзалликка интилиш каби хусусиятларини

сақлаб қоладики, бу миллатнинг салоҳияти, яъни унинг ички, асрлар давомида такомиллашиб, сайқалланиб келаётган менталитетида намоён бўлади. Шу билан биргаликда, унутмаслик лозимки, салбий томонлар ҳам уруғнинг хусусиятлари сифатида сақланиб қолади ва улар ҳам руҳиятга, қолаверса менталитетга сингиб боради.

Демак, кишига маълум бир миллий-этник онгга эга бўлиш хосдир. Бу онг унинг субъектив қарашларида намоён бўлса-да, у кишининг ихтиёри, хоҳиширодасидан ташқарида, объектив ижтимоий борлиқнинг, аслида миллий-этник борлиқнинг таъсирида шаклланади. Шунинг учун С.Отамуродов ҳам “миллатнинг абадийлигини унинг маънавий оламидан излаш зарур” [28], дея таъкидлайди. Тўғри, миллий-этник онг маълум бир ижтимоий омиллар таъсирида шаклланади. Онгнинг барча шаклларини моделлаштириш мумкин бўлганидек, миллий-этник онгни ҳам моделлаштириш, у ёки бу тарзда шакллантириш мумкин. Демак, миллатлараро муносабатлар, миллий-этник онг, ранг-баранг ижтимоий, тарихий, сиёсий, маънавий, иқтисодий, жўғрофий, ҳатто халқаро омиллар перманент таъсирининг маҳсулидир.

Фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхати:

1. Широкогоров С. М. Этнос. Исследование основных принципов изменения этнических и этнографических явлений// Избранные работы и материалы. Владивосток: Изд-во Дальневост. гос. ун-та, 2001. – С. 203.
2. Фалсафа. Энциклопедик луғат. – Тошкент: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси”. 2010 й. – Б.185.
3. Мамназаров Н. Мустақиллик ва миллий-этник жараёнлар. – Тошкент: ТМИ, 2004. – Б.7.
4. Бромлей Ю.В. Очерки теории этноса. – М.: “Наука”, 1983. – С.57-58; Жаббаров Исо. Ўзбек халқи этнографияси.-Т.: “Ўқитувчи”, 1994. – Б.17-18б.; Шониёзов К. Ўзбек халқининг шаклланиш жараёни. – Тошкент: “Шарқ”, 2001. -101-103б.
5. Широкогоров С.М. Место этнографии среди наук классификации этносов. – Владивосток, 1922. с. 10.
6. Van den Berghe P. Race and Ethnicity: Sociobiological Perspective// Ethnic and Racial Studies.Ibid. – Р. 407.
7. Man in society. A biosocial perspective. N. Y., 1975.Р. 65.
8. Гумилев Л.Н. Этносфера:История людей и история природы. – М. 1993. С. 540.
9. Там же. –С. 286.
10. Гумилев Л.Н. Этносфера. История людей и история природы. – М., 1993. С. 300-304.
11. Гумилев Л.Н. Этносфера. История людей и история природы. – М., 1993. С. 300-304.
12. Гумилев Л.Н. От Руси к России. — М., 1992.– С. 52.

- 
13. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Тошкент: Маънавият, 2008. –Б. 83.
 14. Мнацаканян М.О. Нации и национализм. —М.,2004.– С. 45.
 15. Бромлей Ю.В. Этнос и этнография. – М., 1973. – С. 122.
 16. Гумилев Л.Н. Этносфера. История людей и история природы. —М., 1993. С. 214-215
 17. Асқаров А. А., Буряков Ю. В., Ходжайлов Т К. Новые археологические и антропологические материалы к этнической истории народов Средней Азии // Проблемы этногенеза и этнической истории народов Средней Азии и Казахстана, Вып.1.- М: Гл.ред.Вост.лит-ры. 1970. – С. 54-55.
 18. Турсунов С.Н. Ўзбек элатининг илк аждодлари ва шаклланиши // Ўзбекистонда миллатлараро муносабатлар: тарих ва ҳозирги замон (илмий-амалий анжуман). – Тошкент: Университет, 2003. – Б.59.
 19. Ўша асар – Б.60б.
 20. Хўжамуродов Н. Маънавий қадриятлар ва миллий ўзлигини англаш. – Тошкент: Маънавият, 1991.
 21. Маманазаров Н. Мустақиллик ва миллий-этник жараёнлар. –Тошкент: ТМИ, 2004. –Б.8.
 22. Кўчқаров В. Миллий ўзликни англаш ва ижтимоий-сиёсий жараёнлар. –Тошкент: Академия, 2007. –Б. 6.
 23. Ўша жойда.
 24. Ўша асар. – Б.19 б
 25. Аристотель. О душе // Соч. В 4-хт. Т 1. – М.: Мысль, 1976. – С. 371.
 26. Жиров Р.Достоевский: От действительности к единству / Пер. с фр. М.: ББИ, 2013. –С.162.
 27. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. –Тошкент: Ўзбекистон, 2018.- Б. 4-5.
 28. Отамурадов С. Глобаллашув ва миллат. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2008. –Б.29.